Ушбу сонда: 2-3 ЭНГ СЎЛИМ СИҲАТГОҲЛАР ЧОРЛАЙДИ | 6 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

**2005 йил 5 феврал, шанба № 21-22 (1863)**

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И*

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибини тасдиқлаш тўғрисида

***Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддаси 8-қисмига мувофиқ янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.***

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қарори билан Ш.М.Мирзиёев Бош вазир лавозимига тасдиқланди.***

***Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 98-моддасининг 2-қисмига мувофиқ қуйидагилар Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари этиб тасдиқлансин:***

**Мирзиёев Шавкат Миромонович**
Бош вазир, агросаноат комплекси раҳбари

**Азимов Рустам Содиқович**
Бош вазирнинг биринчи ўринбосари-иқтисодиёт вазири, иқтисодиёт комплекси ҳамда истеъмол товарлари ва савдо комплекси раҳбари

**Тўхтаев Абдуқаҳҳор Ҳасанович**
Бош вазир ўринбосари, коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари комплекси раҳбари

**Султонов Ўткир Тўхтамуродович**
Бош вазир ўринбосари, ёқилғи-энергетика, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари комплекси раҳбари

**Арипов Абдулла Нигматович**
Бош вазир ўринбосари - Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори, ахборот тизимлари ва телекоммуникация масалалари комплекси раҳбари

**Қосимов Рустам Собирович**
Бош вазир ўринбосари - олий ва ўрта махсус таълим вазири, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари комплекси раҳбари

**Ғаниев Элёр Мажидович**
Бош вазир ўринбосари - ташқи ишлар вазири, ташқи алоқалар масалалари комплекси раҳбари

**Иномова Светлана Турсуновна**
Бош вазир ўринбосари - Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси

**ВАЗИРЛИКЛАР**

**Абидов Оқилжон**
меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири

**Азизхўжаев Алишер Аббосович**
маданият ва спорт ишлари вазири

**Алматов Зокиржон**
ички ишлар вазири

**Ғуломов Қодир Ғафурович**
мудофаа вазири

**Жўраев Туробжон Икромович**
халқ таълими вазири

**Исмоилов Сайфиддин Умарович**
қишлоқ ва сув хўжалиги вазири

**Мустафоев Бўритош**
адлия вазири

**Назиров Феруз Ғафурович**
соғлиқни сақлаш вазири

**Раҳимов Саидаҳмад Бориевич**
молия вазири

**Субанов Бахтиёр Жумабоевич**
фавқулодда вазиятлар вазири

**ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ**

**Асқаров Маҳмуджон Ахматович**
Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси

**Аҳмедов Нурмуҳаммад**
Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси

**Кудратов Ғофуржон Собирович**
Давлат статистика қўмитаси раиси

**Матлюбов Баҳодир Аҳмедович**
Давлат божхона қўмитаси раиси

**Парпиев Ботир Раҳматович**
Давлат солиқ қўмитаси раиси

**Сайфиддинов Жамшид Бадриддинович**
Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси

**Тўхтаев Азамат Рамзитдинович**
Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси

**Абдуазизов Абдували**
Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси раиси

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 4 феврал

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И*

## Р.С.Азимовни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари - Иқтисодиёт вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Рустам Содиқович Азимов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари - Иқтисодиёт вазири этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 3 феврал

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И*

## Э.М.Ғаниевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - Ташқи ишлар вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Элёр Мажидович Ғаниев Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - Ташқи ишлар вазири этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 3 феврал

*Ташаббус сўнмасин, ташаббус ўлмасин!*

## ФЕРМЕРЛИК ИСТИҚБОЛИ

***Қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг ўзгариши иқтисодни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётганлигини Жиззах вилояти мисолида кўриш мумкин. Масалан, вилоятда 2001 йил қишлоқ хўжалиги сектори 16 миллиард сўм зарар билан якунланди. Ўша йили фермер хўжаликлари сони 4 минг атрофида эди. 2004 йилга келиб фермер хўжаликлари сони қарийб 12 мингга етказилди. Натижада ширкатларга қараганда, фермер хўжаликлари анча юқори кўрсаткичларга эришди. Вилоятнинг чўл туманларидаги барча ер майдонлари тўлиқ фермерларга бўлиб берилди. Уларга хизмат кўрсатиш учун жойларда қўшимча 51 та муқобил машина-трактор парки, 56 та минерал ўғит, 83 та ёнилғи-мойлаш материаллари сотиш шохобчалари, 44 та мини банк, агрохизмат марказлари ташкил этилди.***

Бугун жиззахлик фермерлар Президентимизнинг «2004 - 2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишларни амалга оширмоқдалар. Жумладан, Мирзачўл тумани фермер хўжаликларида ўтган йили ғалла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил етиштирилди.

«Бахмал» тумандаги энг рентабелли фермер хўжаликларидан. Мутахассислиги агроном бўлган Абдумалик Дарвишев 1992 йили «Пахтазор» агрохизмат маркази ҳудудидан 115 гектар ер олиб, деҳқончиликни бошлаб юборган эди. Ўтган йили пахтадан 30 центнердан, ғалладан 45 центнердан ҳосил олишга муваффақ бўлинди. Даромад ҳам чакки бўлмади, албатта. 5 миллион сўмда зиёд соф фойда кўрилди. Лизинг асосида чопиқ трактори харид қилинди. Айни пайтда фермернинг «МТЗ-80», «ДТ-75» русумли тракторлари, 2 та тележкаси бор.

Ўтган йили 11 та оилага 1 тоннадан буғдой тарқатилди. 2 та кам таъминланган оилага 500 килограммдан буғдой мурувват ёрдами сифатида берилди.

Қишлоқ мулкдори Абдумалик Дарвишев хўжалик ва сут фермасини хусусийлаштириб, кўплаб чорва маҳсулотлари етиштириб келмоқда. Унинг 110 бош қорамоли бўлиб, 50 бош соғин сигири бор. Сут ва сут маҳсулотлари қишлоқдаги мактабларнинг бошланғич синф ўқувчиларига етказиб берилаяпти.

Фермер хўжалигининг иккита дала шийпони бор. Уларда ишловчилар учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Шу боис қишин-ёзин ишчилар билан гавжум. Хўжалик раҳбарининг беш ўғли, 1 қизи, 20 нафардан зиёд невараси бор. Фарзандларининг барчаси далада меҳнат қилади.

- Бугун вилоятимизда фермер хўжаликлари ишини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, - дейди у. - Бирон йил йўқки, шартнома мажбуриятларини бажармаган бўлсак. Ўғилларим техникани бемалол бошқаради. Ниятим - хориж технологиясини олиб келиш.

Дарҳақиқат, А.Дарвишев тиниб-тинчимайдиган инсонлардан. У яқин келажакда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш цехи қуришни мўлжаллаб турибди. Дала шийпони ёнида иссиқхона қуришни бошлаб юборган. Бу ерда помидор, бодринг, лимон маҳсулотларини етиштириб, қишлоқдошлари дастурхонини тўкин қилиш учун саъй-ҳаракатлар қилинмоқда.

**Бўрибой НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**



Халқимизда «Касалликни даволагандан кўра унинг олдини олиш яхши» деган доно нақл бор. Бу ҳикматга Каттақўрғон шаҳридаги марказий шифохона жамоаси амал қилиб келмоқда.

Шифохона 285 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда кунига 250 бемор қабул қилинади. 14 та даволаш, 6 та таҳлилхона, физиотерапия бўлимларида ҳар ой юзлаб бемор дардига шифо топмоқда.

- Каттақўрғонда 280 нафар юқори малакали шифокорлар аҳоли хизматида. Шундан 58 нафари олий, 104 нафари биринчи тоифалидир, - дейди шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг бошлиғи вазифасини бажарувчи Дилрабо Нуриллаева. - Шунинг учун ҳам қўшни Нарпай, Иштихон, Пастдарғом туманидан келган беморлар бизнинг шифохонада даволаниб кетмоқда.

**Суратда: шифокор Сабоҳат Жўраева ва ҳамшира Шаҳноза Ибрагимова беморни кўрикдан ўтказмоқда.**

**Т.НОРҚУЛОВ**
**(ЎзА) олган сурат**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Сенат қўмиталарининг раислари иштирок этдилар. Мажлисни Сенат Раиси М.Шарифхўжаев бошқарди.***

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисидаги маърузасида илгари сурилган асосий вазифалар муҳокама қилинди.

Парламент юқори палатаси қўмиталари фаолиятининг жамиятни янада демократлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилиш стратегиясига асослантирилган асосий йўналишлари белгилаб олинди.

Қўмиталар ўз иш режаларини давлатимиз раҳбари парламент палаталарининг қўшма мажлисида белгилаб берган асосий вазифаларга таянган ҳолда тузиши зарур эканлиги қайд этиб ўтилди.

Кенгаш иштирокчилари Сенат фаолияти оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилиши зарурлигига алоҳида урғу бердилар.

Кенгаш мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ишини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама қилинди.

## ИҚТИСОДИЙ ФОЙДА КЕЛТИРАДИ

Қорақалпоғистонлик деҳқонлар сув қадрини айниқса яхши билади. Унинг ҳар қатрасидан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилади.

Хўжайли туманидаги «Оқ олтин» ва «Озодлик» ширкат хўжаликларини обиҳаёт билан таъминлайдиган асосий манба - «Жанажап» каналида ишлаб турган ўнта насоснинг иккитаси янгиланди. Уларнинг ҳар бири минутига 7,5 минг кубометр сув чиқариш қувватига эга. Эски насосларнинг қуввати 500 кубометрдан ошмасди.

Бу янгилик ҳар иккала хўжаликка катта иқтисодий фойда келтиради.

## ТОШЛОҚНИНГ ТЕХНИКАСИ ШАЙ

Тошлоқ туманидаги машина-трактор парки очиқ акциядорлик жамияти устахоналарида техникани кўкламга тайёрлаш ишлари якунланди.

Жамият раиси Ҳабибулло Мамажоновнинг айтишича, устахоналарда ширкат ва фермер хўжаликларининг техникаси ҳам таъмирланмоқда. Ўтган йили ўнта ширкат ва 160 фермер хўжалиги билан шартнома асосида иш олиб борилган эди.

Тошлоқликлар бу йил 7 минг 400 гектар майдонга чигит экишни мўлжаллаб турибди. 4 минг 860 гектар майдонда ғалла парваришланаяпти. Деҳқончилик мавсумининг муваффақияти кўп жиҳатдан техниканинг нечоғли созлигига боғлиқ. Шу боис ширкат ва фермер хўжаликлари машина-трактор парклари билан шартнома тузишга шошилмоқда.

*«Ишонч» бонг уради*

## СУИИСТЕЪМОЛ

### бундай салбий ҳолатлар фермерларга ер ажратишда айрим мансабдор шахслар ҳомийлигида содир этилган

***Ўзбекистон Президентининг 2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш бўйича махсус комиссия тузиш ҳақидаги Фармойиши ижросини таъминлаш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар изчил амалга оширилмоқда. Республика Бош прокуратурасининг малакали, етарли иш тажрибасига эга бўлган ходимлари мазкур Фармойиш юзасидан тузилган ишчи гуруҳлари таркибида бўлиб, жойларда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш йўлида ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар, тадбиркорларга яратилаётган имконият ва имтиёзлар юзасидан кенг тушунтириш ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бордилар.***

Бундан ташқари, ишчи гуруҳлари республикамиз вилоятларидаги иқтисодий ночор, кам рентабелли ширкат хўжаликларида чуқур таҳлил ўтказиб, биринчи навбатда 2005 йилда фермер хўжаликларига айлантириш лозим бўлганларини аниқлаш, галдаги йилларда эса уларнинг миқдорларини белгилаш мақсадида ўтказилган тадбирларда иштирок этдилар. Ҳаётда шундай кишилар бўладики, улар давлат ва халқ манфаатини унутиб, имкониятдан фойдаланиб қолишга ҳаракат қиладилар. Бундайлар орасида мансабдор шахслар ҳам борлиги ғоятда ачинарлидир. Масалан, сўнгги икки йил ичида мавсумни зарар билан якунлаётган ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжаликлари ташкил этиш ва уларга ер участкалари ажратиш комиссиялари фаолиятида қатор қонунбузилиш ҳолатлари мавжудлиги аниқланди.

Самарқанд вилояти Оқдарё туманидаги «Янгиқўрғон» ширкат хўжалигида фермер хўжалигини ташкил этиш юзасидан фуқаро У.Насимовнинг аризаси комиссия томонидан 2003 йил 5 декабрда қабул қилинган ва эртаси куни бўлиб ўтган танловга у техника, маблағлари ҳақида сохта ҳужжат тақдим этган. Шундай бўлса-да, бу учар тендер ғолиби, деб эълон қилинган. Оқибатда ноқонуний равишда 43 гектар ер ажратилган. Шовот туманидаги «Гулистон» ширкатини фермер хўжалигига айлантириш бўйича тузилган комиссияга фуқаролар Б.Ибодуллаев ва Р.Ишчанов иккиланмай мавжуд техника, олий ўқув юртини тамомлаганлик ҳақидаги сохта диплом ва ҳужжатларни тақдим этишган. Энг қизиғи, улар бошқаларга нисбатан юқори балл тўплаб, танлов ғолиби бўлишган. Демак, уларга ҳам қонунсиз ер майдонлари ажратилган. Ушбу ҳолат юзасидан қўзғатилган жиноий иш судларда кўрилиб, айбдорларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Ташвишланарлиси шуки, баъзи фермер хўжаликларига ер ажратиш жараёнида меъёрий ҳужжатларда ўрнатилган тартиб бузилиб, маҳаллийчилик ва ошна-оғайнигарчиликка йўл қўйилган. Текширувларда республика бўйича 469 та ҳолатда фермер хўжаликларига 23019,1 гектар ер майдони қайд этилганидек суиистеъмолликлар оқибатида ажратилган. Ҳокимлик ва бошқа масъул мансабдор шахсларнинг бевосита аралашуви, ҳомийлигида содир этилган қонунбузилишларга Тошкент, Фарғона, Навоий, Андижон, Наманган, Бухоро, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг кўпгина туманларида йўл қўйилган.

Мана бунга нима дейсиз? Оққўрғон туманидаги А.Икромов номли ширкат хўжалигини фермер хўжалигига айлантириш комиссиясининг аризалар қабул қилиш муддати тугаган бўлса-да, қонун талабларига зид равишда танловдан бир кун олдин тумандаги «16-ТКМК» жамияти бошлиғининг ўринбосари М.Алимов аризаси олиниб, танловда иштирок этишга рухсат этилган. Кўпчиликни таажжубга солгани шуки, бу фуқаро қишлоқ хўжалиги бўйича зарур билим, тажрибага ҳамда шахсий маблағу техникага эга бўлмаса-да, танлов ғолиблигини «қўлга киритган». Боз устига, комиссия ушбу танловда иштирок этган, уч йил мобайнида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш режаларини бажариб келган, моддий имкониятлари етарли бўлган оилавий пудрат бошлиғи А.Раимбердиевнинг балларини сунъий равишда камайтиришгача бориб етган. Шунингдек, Усмон Юсупов туманидаги «Автономов» хўжалигини фермерликка айлантириш бўйича комиссия тегишли ерни тендерда юқори баллга эга бўлган фуқаро А.Эрдоновга эмас, негадир О.Жўраевга қонунсиз равишда бериб юборган.

Қаерда адолатсизликка йўл қўйилса, ўша ерда норозилик кучаяди, одамларнинг ишдан шашти қайтади. Андижон вилояти Улуғнор туманидаги «Жалақудуқ» ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш бўйича комиссия раиси Х.Ҳасанов мансабини суиистеъмол қилиб, «Ватанпарвар» ташкилоти раҳбари С.Раҳмановга 270 гектар, шу ширкат хўжалиги собиқ бошқаруви раиси А.Султоновга эса 231 гектар ерни ҳотамтойлик билан ажратиб берган. Таъкидланганидек, норозилик кучайган. Шунда жойлардаги прокурорлар томонидан туман ҳокимларининг ушбу қонунсиз қарорларига протест келтирилиб, бекор қилинган ер майдонлари қайтарилган.

Инсон борки, орзу билан яшайди. Фермер бўламан деган кишига ерли бўлишдан кўра катта бахт йўқ. Бу кунни асл тадбиркор оила аъзолари билан орзиқиб кутади. Лекин ана шундай кишиларнинг ер сўраб ёзган мурожаатлари асоссиз равишда рад этилса, қанчалар ёмон. Урганч туманидаги «Истиқлол» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси М.Авезов 2003 йил давомида назоратнинг сустлигидан фойдаланиб, 43 нафар хўжалик аъзосининг фермер хўжалиги ташкил этиш тўғрисидаги аризасини умумий йиғилиш муҳокамасига киритмасдан, асоссиз равишда рад этган.

Текширишлар натижасида яна шу нарса маълум бўлдики, баъзи ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантиришда ер майдонлари ва мол-мулкларни тақсимлашда адолат мезони бузилган. Бунда ҳам ярамас иллат – суиистеъмолликни кўриш мумкин. Касби туманидаги Х.Хўжақулов номли кооператив ширкат хўжалиги бош ҳисобчиси Х.Рўзимуродов тугатиш комиссияси аъзоси И.Ўринов билан жиноий тил бириктириб, хўжаликнинг ҳеч қандай дебитор ва кредитор қарздорлиги бўлмаса-да, Қарши шаҳридаги қишлоқ хўжалиги техника ҳамда машиналарини жамлаш масъулияти чекланган жамиятга 14 миллион сўм ўтказиб юборган. Бу ҳам етмаганидек, хўжалик тугатилганлигига қарамасдан, улар қонунсиз фаолиятни давом эттириб, солиқ тўланадиган объектларни қасддан яширганликлари оқибатида 16 миллион сўмдан ошиқроқ солиқ ва бошқа тўловлар ҳисобланмасдан қолдирилган. Ушбу ҳолатлар юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади. Баъзи кимсалар қалтис ишга қўл уриб, шарманда бўлишларини наҳотки хаёлларига келтиришмаган бўлса? Дўппи тор келгач, улар тавба-тазарру қилиб, важкарсонга ўтадилар. Лекин сўнгги пушаймон-ўзингга душман. Мана бу мисол ҳам фикримиз далилидир. Боёвут туманидаги Н.Маҳмудов номли ширкат хўжалиги негизида фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш бўйича комиссия раиси А.Қодирқулов хизмат мансабини суиистеъмол қилиб, комиссия аъзолари иштирокисиз қабул қилган қарори билан хўжаликнинг 9,5 миллион сўмлик асосий восита ва иншоотларини кимларгадир арзон гаровга сотиб юборган. Қўшкўпир туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилишида хўжаликнинг ғишт заводи ҳамда унга тегишли иншоот ва асбоб-ускуналари 8,2 миллион сўмга қайта баҳоланиб, бозор нархларида «Ким ошди» савдоси орқали сотиш юзасидан қарор қабул қилинган. Бироқ, хўжаликнинг баъзи мансабдор шахслари ушбу мулкларни «Ким ошди» савдосида сотилишини таъминламасдан, тумандаги «Худошукур» хусусий фирмасига 5,2 миллион сўмга ҳамда 2,3 миллион сўмлик «МТЗ-80» русумли тракторни «Аҳмад-Қўнғирот» фермер хўжалигига 1 миллион сўмга арзон баҳода сотиб хўжалик манфаатларига жиддий зарар етказганлар.

Буларнинг ҳаммаси ҳар биримизни ўйлашга, чуқур мушоҳада юритишга ундайди. Шу ўринда Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида алоҳида уқтирилган қуйидаги сатрлар ёдга келади: «Биз барчамиз, биринчи навбатда қонун ҳимоячилари шўро давридан қолган эски иллатлардан тўла халос бўлишимиз, тадбиркорлик, бизнес ва хусусий сектор вакилларига нисбатан муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз керак. Минг афсуски, ўзимиз яхши қонунлар яратамизу, ўзимиз уларга қатъий риоя қилмаймиз...»

**Б.ХОЛМИРЗАЕВ,**
**Республика Бош прокуратураси қишлоқ хўжалигида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими катта прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси**

# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ

## Республикамизнинг ноёб табиий иқлими, маъданли сувлари ва барча даволаш

Қорақалпоғистон Республикасида:
«ГУЛПАРШИН» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, таянч-ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, гинекологик касалликлар.
Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниш мумкин

«АЙДОС ҚАЛА» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, таянч-ҳаракат аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва тери касалликлари

Тошкент шаҳрида:
ОАЖ «ТУРОН» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлар

ОАЖ «ЧИНОБОД» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Ҳазм аъзолари, қандли диабет ва гинекологик касалликлар

Хоразм вилоятида:
«ХОНҚА» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, асаб тизими, таянч-ҳаракат аъзолари, гинекологик ва тери касалликлари

Тошкент вилоятида:
«БОТАНИКА» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, асаб (марказий ва периферик) тизими ва ҳазм аъзолари касалликлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

«БЎСТОН» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлар

«УМИД ГУЛШАНИ» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Гинекологик ва андрологик касалликлар

«ОҚТОШ» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Нафас аъзоларининг силга алоқадор бўлмаган касалликлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин

Самарқанд вилоятида:
«АБУ АЛИ ИБН СИНО» САНАТОРИЙСИГА
Даволаниш учун кўрсатма:
Қон айланиш, таянч-ҳаракат аъзолари, катталар ва болалар асаб тизими касалликлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин




**Даволаниш муддати – 18 кун**

**БИЗНИНГ ЙЎЛЛАНМАЛАРИМИЗ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЭНГ АРЗОН ЙЎЛЛАНМАЛАРДИР!**

# КЕНГАШИ ҚОШИДАГИ КУРОРТЛАР БОШҚАРМАС

омилларига эга бўлган санаторий ҳамда курорт муассасаларига таклиф этади

**Андижон вилоятида:**
**МЧЖ «МАРҲАМАТ» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, асаб ва сурункали тери касалликлари

**Бухоро шаҳрида:**
**«СИТОРАИ МОҲИ ХОСА» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Буйрак касалликлари (ёз фаслида), таянч-ҳаракат ва асаб тизими, ҳазм аъзолари ва андрологик касалликлар

**Жиззах вилоятида:**
**«ЗОМИН» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Нафас аъзолари (сил касалликларидан ташқари) ва асаб тизими касалликлари

**Фарғона вилоятида:**
**МЧЖ «ЧИМЁН» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Қон айланиш, таянч-ҳаракат аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва андрологик касалликлар
Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин

**Қашқадарё вилоятида:**
**«ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак қон-томир, асаб тизими, таянч-ҳаракат ва ҳазм аъзолари, гинекологик ва андрологик касалликла

**МЧЖ «МИРОҚИ» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Асаб (марказий ва периферик) тизими ва қон айлани аъзолари касалликлар
Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшг бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин

**Наманган вилоятида:**
**МЧЖ «ЧОРТОҚ» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Қон айланиш, таянч-ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва тери касалликлари.
Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

**МЧЖ «КОСОНСОЙ» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак қон-томир, таянч-ҳаракат, ҳазм аъзолари ва асаб тизими касалликлари

**МЧЖ «НИҲОЛ» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Таянч-ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, ўт пуфаги ва буйрак тош касалликлари



*Касаба уюшма ташкилотларига йўлланмалар қўшимча тўловларсиз ўз нархида сотилади. Шу билан бирга курортлар бошқармаси Ўзбекистон ҳудудида жойлашган барча санаторий ва дам олиш масканларига, шунингдек, ҳамдўстлик мамлакатлари курортларига йўлланмалар олишингизда ёрдам беради. Йўлланмаларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан олишингиз мумкин.*

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси 24-уй. Мурожаат учун телефонлар 56-85-68, 56-70-97.

# ТУЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР 2005 ЙИЛ УЧУН

9

5.3.4. Иш ҳақи тўловлари банк муассасалари айби билан кечиктирилганда банк билан мижоз ўртасида тузилган шартномага асосан тўловлар тегишли жарималар инобатга олинган ҳолда берилишини банкдан талаб қилиш ва шу маблағ ҳисобига меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш борасида иш берувчининг мажбурияти;

5.3.5. Корхона балансида юқори ликвидли мулки бўлган тақдирда, иш ҳақидан қарздорликни тугатиш мақсадида мулкчилик гарови асосида банкдан кредит олиш борасида иш берувчининг мажбурияти.

5.4. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тариф ва тарифга қўшимча қисмлари ўртасида мақбул нисбатни ўрнатиш.

5.5. Меҳнатнинг янги нормалари, тариф сеткаси ва ишбай баҳоларни касаба уюшма қўмитаси билан албатта келишиб олиш.

5.6. Тўлиқ миқдорда ҳақ тўлаш учун имтиёзли меҳнат меъёрлари ўрнатилган шахслар (I ва II гуруҳ ногиронлари, 18 ёшга тўлмаган ходимлар, қисқартирилган иш вақти режимида ноқулай меҳнат шароитида банд қилинган ходимлар ва бошқалар) рўйхати

5.7.Ходимларнинг турли тоифалари учун жорий этиладиган устамалар, қўшимча тўловлар ва компенсацияларнинг аниқ миқдорлари:

-ноқулай, оғир ва зарарли меҳнат шароитлари учун қўшимча тўловлар;

-кечки сменадаги, тунги вақтдаги, иш вақтидан ташқари вақтлардаги, дам олиш ва байрам кунларидаги ишлар учун оширилган миқдордаги иш ҳақи;

-ишдаги иқлим шароитлари учун (ёз ва қиш фаслларида) қўшимча тўловлар;

-бригадага раҳбарлик қилгани учун, ўриндошлик учун қўшимча тўловлар;

-кўп йиллик узлуксиз хизматлари учун, юқори касб маҳорати учун устамалар;

-ходимнинг хизмат даврида кўчиб юриш билан боғлиқ ишлардаги қўшимча харажатларини, шунингдек бошқа жойга кўчиб бориш билан боғлиқ харажатларини, хизмат сафари давридаги суткалик харажатларини қоплаш;

-қишлоқ хўжалик ишларига жалб этилган ходимларнинг ўртача иш ҳақини сақлаб қолиш;

-иш берувчининг розилиги билан ходимга тегишли мол-мулк (транспорт воситалари, асбоблар, ашёлар ва ҳоказо)дан фойдаланилганда ушбу харажатларни қоплаш;

-ходимнинг айби билан қисман брак деб топилган маҳсулотга ҳақ тўлаш миқдорлари;

-иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш мақсадида (малака ошириш, рационализаторлик таклифларини жорий этиш ишида қатнашиш, хизмат сафарида бўлиш, тиббий кўрикдан ўтиш, навбатчилик ва бошқа ҳолларда) ходимни ишдан озод этиш шартлари, шунингдек ана шу давр учун тўланадиган кафолатли тўловлар миқдори;

5.8.Йил якунлари бўйича мукофотлаш, тақдирлаш тизимлари

5.9. Қўшимча имтиёзлар (овқатланишни арзонлаштириш, ишга бориб-келишдаги транспорт харажатларини қоплаш ва ҳоказо)

10

(Агар жамоа шартномасида корхона „молиявий аҳволи" ёки „ишлаб чиқариш кўрсаткичлари" ёмонлашган тақдирда қўшимча ва устама тўловлар бекор қилиниши кўзда тутилган бўлса, шартнома матнида бу тушунчалар нимани англатиши изоҳлаб берилиши керак).

## VI. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ, БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ

6.1.Касбига, малакасига ва меҳнат шартномасига мувофиқ ходимларни тўла-тўкис иш билан таъминлаш

6.2.Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишни фақатгина касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилигини олиб амалга ошириш (корхона тугатилган ва корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари ва бош ҳисобчи билан меҳнатга оид муносабатлар бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно)

6.3. Ходимнинг ташаббуси билан уни вақтинча бошқа ишга ўтказиш учун узрли сабаблар рўйхати, шунингдек бошқа ишга ўтказилганда меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби.

6.4. Иш берувчининг ташаббуси билан ходимни бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси, меҳнатга тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдорлари, шунингдек ишлаб чиқариш зарурияти деб ҳисобланадиган ҳолатлар.

6.5.Корхона ва унинг тизим бирликларини тугатиш ёки қайта ташкил этиш, ишлаб чиқаришни бутунлай ёки қисман тўхтатиш тўғрисидаги ниятни (агар бундай ҳолатлар иш жойларини қисқартирилишига ёхуд меҳнат шартларини ноқулай тарзда ўзгартиришга олиб келадиган бўлса) касаба уюшма қўмитасига камида икки ой олдин етказиш

6.6.Иш ҳажми камайганда, мулк шакли ўзгарганда иш жойлари ва кадрларни сақлаб қолиш мақсадида ишловчиларни иш берувчи ҳисобидан қайта тайёрлаш ва қайта ўқитишни уюштириш

6.7.Ходимлар сони қисқартирилаётганда:

а) ишдан бўшатиб олинган ходимларни иш билан таъминлаш учун цехлар, ижарали, кичик корхоналар барпо этишни кўзда тутиш;

б) вақтинча ишлайдиган ходимлар сонини чегаралаш, ўриндошликни тақиқлаш, четда бажариладиган ишларни жамоанинг ўзига бериш;

в) ходимларнинг хоҳишига кўра уларга иш ҳақи сақланмаган ҳолда қисқа муддатли таътиллар бериш;

г) қисқартириш тўғрисидаги огоҳлантириш амал қилаётган даврда ходимнинг ўз хоҳиши билан меҳнат шартномасини бекор қилинишини томонлар келишувига биноан огоҳлантириш муддатига мувофиқ келадиган пуллик компенсация тўлаш билан амалга ошириш;

д) бўшатиб олинаётган ходимларни ишга жойлаштириш ва бошқа касбга ўргатиш учун меҳнат органлари билан шартнома тузиш;

е) меҳнат бозорида тенг шароитда рақобат қила олмайдиган ходимларнинг штатлар қисқартирилиши муносабати билан ишдан бўшатилишига йўл қўймаслик;

11

ж) қисқартириш ўтказилаётганда ишда қолдириш учун афзаллик ҳуқуқи бериладиган ходимлар тоифалари (агар улар Меҳнат Кодексининг 103 моддасига биноан бундай имтиёзга эга бўлмасалар).

6.8. Меҳнат шартномаси томонларининг моддий жавобгарлиги. Иш берувчининг ходим келтирган зарарни қоплаш тўғрисидаги даъвосидан воз кечиш ҳоллари.

6.9. Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузиладиган ходимларнинг (агар улар бевосита пул ёки товар қимматликлари билан муомала қиладиган бўлсалар) тоифалари рўйхати, шунингдек бевосита пул ёки товар бойликлари билан муомала қилувчи ходимлар томонидан ишлар биргаликда бажариладиган бўлса, жамоа (бригада) моддий жавобгарлиги жорий этилиши мумкин бўлган бўлинмаларнинг рўйхати.

## VII. ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ

7.1.Ходимлар учун иш ҳафтасининг узунлиги (соат):

-нормал меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун, (МК 115-моддасига биноан: 40 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

-меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар учун 15-сон иловада келтирилган рўйхатга мувофиқ; (МК 117-моддасига биноан: 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

-16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ходимлар учун; (МК 242-моддасига биноан: 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

-16 ёшга тўлмаган ходимлар учун; (МК 242-моддасига биноан: 24 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

-I ва II гуруҳ ногиронлари бўлган ходимлар учун; (МК 220-моддасига биноан: 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

-алоҳида тусга эга бўлган ишларда ва меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун; (Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарорида кўрсатилган меъёрлар)

-уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасаларда ишлаётган аёллар учун; (МК 228[1] -моддасига биноан: 35 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

7.2. Ходимларни иш вақтидан ташқари вақтлардаги, кечки ва тунги вақтдаги, дам олиш ва байрам кунларидаги ишларни бажаришга жалб этиш тартиби

7.3. Ходимлар турли гуруҳлари учун иш кунининг узунлиги

7.4. Ходимнинг илтимосига кўра унга тўлиқсиз иш вақти белгиланиши учун асослар рўйхати.

7.5. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олишни қўллаш тартиби, шунингдек ҳисобга олинадиган давр мобайнида ходимларга ҳар ойда тўланадиган иш ҳақи миқдорини тенглаштиришга қаратилган чора-тадбирлар. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олишда ҳисобга олинадиган давр муддати (ой, чорак, ярим йил, йил).

12

7.6. Йиллик асосий ва йиллик асосий узайтирилган таътилларнинг энг кам муддати

7.7. Қўшимча таътиллар олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати, қўшимча таътиллар муддати, уларни бериш тартиби ва шартлари

7.8. Йиллик қўшимча таътилларни олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб чиқаришнинг алоҳида қоидалари

7.9. Табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай жойларда (ҳатто улар бундай жойларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланган рўйхатга кирмаган тақдирда ҳам) ходимларга йиллик қўшимча таътил бериш масаласи

7.10. Йиллик таътиллар учун хақ тўлаш муддатлари

7.11. Болалик аёл ходимлар учун:

-болани парваришлаш таътиллари вақтини кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўшиш шартлари;

-икки ёшга тўлмаган болани овқатлантириш учун бериладиган танаффусларнинг аниқ муддати ва уларни бериш тартиби

7.12. Ходимга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътиллар бериш шартлари. Муддати икки ҳафтадан кўп бўлган иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътиллар вақтини ҳам йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажига қўшиш шартлари

7.13. Ходимларга оилавий сабабларга кўра, шунингдек ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган ходимларга, иш ҳақи сақланиб қолдириладиган қўшимча таътиллар (меҳнат таътилидан ташқари) бериш шартлари

## VIII. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

**(Мазкур боб бўйича батафсил тавсиялар алоҳида чоп этилади)**

## IX. МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ

9.1.Ходимлар томонидан меҳнат вазифаларини бажарилишини мавжуд меъёрий ҳужжатлар (меҳнат шартномалари, Устав, корхона қўлланмаси, Ички тартиб қоидалари) асосида назорат қилиниши ва амалга оширилиши

9.2.Ходимларни ишдаги муваффақиятлари учун рағбатлантириш турлари, уларни қўллаш тартиби, афзаллик ва имтиёзлар бериш

9.3.Юбилей саналари ва пенсия ёшига етганда рағбатлантириш

9.4.Ходимларнинг корхона (тармоқда)ги узлуксиз меҳнат стажи саналарини нишонлаш

## X.ИЖТИМОИЙ ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР

(Мазкур бобга киритилган ижтимоий тўловлар миқдорини Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам

13

иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида режалаштириш, шунингдек аввалги йилларда ўрнатилган имтиёзларни имкон қадар сақлаб қолиш мақсадга мувофиқдир).

10.1. Ходимларнинг турли гуруҳлари учун ижтимоий-маиший имтиёзлар, қўшимча ижтимоий суғурталаш, моддий ёрдам кўрсатиш, тиббий хизмат кўрсатиш, дам олиш ва санатория-курортларда даволаш, уй-жой қурилиши масалалари ва ҳоказо

10.2. Меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун қўшимча имтиёзлар.

10.3. Таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўқув режасини бажараётган ходимлар учун иш жойидан ҳақ тўланадиган қўшимча таътилга чиқиш, қисқартирилган иш ҳафтаси шароитида ишлаш ва бошқа имтиёзлар.

10.4. 2005 йилнинг 1 январидан фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимидаги шахсий ҳисобварақларига маблағ ўтказиб бориш тартиби жорий этилиши муносабати билан ҳамда «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 10-моддасига биноан пенсия ёшига яқинлашиб қолган ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган ҳисоб варақларига қўшимча маблағ ўтказишни назарда тутиш, бунинг учун қўшимча маблағнинг миқдори ва ўтказиш муддатларини жамоа шартномасида белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

10.5. 2005 йилни Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилиниши муносабати билан қуйидаги тадбирларни амалга ошириш:

10.5.1. Меҳнат жамоасига алоқадор ногирон, кам таъминланган, кўп болали оилаларга, собиқ байналмилалчи жангчиларга, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига, Чернобил АЭСдаги ҳалокат оқибатида нурланиш касаллигига чалинганларга тиббий хизмат кўрсатиш, дори-дармонлар билан боғлиқ сарф-харажатларни қоплаш ва уларга моддий ёрдам бериш;

10.5.2. Ишловчи аёлларга бериладиган туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътиллар кунини корхона ҳисобидан узайтириш;

10.5.3. Фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар таътилда бўлган оналарга ҳар ойда моддий ёрдам кўрсатиб бориш;

10.5.4. Кўп болали (4 ва ундан ортиқ боласи бор) аёлларга ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтасини 1 соатга қисқартириш;

10.5.5. Мазкур корхонада узоқ йиллар меҳнат қилиб келаётган ходимларнинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақалари бўйича тўланадиган нафақаларига қўшимча тарзда тўловлар белгилаб қўйиш

## XI. МАДАНИЙ-ОММАВИЙ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ, СПОРТ ИШЛАРИ

11.1.Корхона, ташкилот ва муассасаларда маънавият ва маърифат хоналарини ташкил этиш, улар мунтазам равишда фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароит яратиб бериш.

14

11.2.Маданият уйлари, саройлари ва клубларнинг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш, уларни ўз вақтида таъмирлаб бориш ва жиҳозлаш.

11.3. «Маънавият ва маърифат» хоналари, клублар, маданият саройлари ва уйларини Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, Мустақиллик йилларида чоп этилган замонавий адабиётлар ҳамда плакатлар ва техник воситалар билан таъминлаш.

11.4. Маданият уйлари, саройлари ва клублар учун хўжалик органлари ҳисобидан меъёрий даражада маблағлар ва штатлар ажратиш.

11.5.Умумхалқ ва касб байрамлари арафасида кам таъминланган, кўп болалик, ёлғиз оилаларга, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига хайрия ёрдами кўрсатиш.

11.6.Тарихий ёдгорликлар мавжуд бўлган Республиканинг қадимий шаҳарларига саёҳатлар уюштириш.

11.7.Меҳнаткашлар фарзандларини Янги йил арча байрами томошаларига ташрифини уюштириш, уларни хўжалик органлари маблағлари ҳисобидан байрам совғалари билан тақдирлаш.

11.8.Меҳнат жамоалари ва ўқув юртларида жисмоний тарбия жамоаси ёки клубни тузишга эришиш. Уларда Республика ҳукумати томонидан жорий этилган «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестлари меъёрий талабларининг бажарилиши учун шароит яратиб бериш.

11.9.Меҳнат жамоаларида хўжалик органлари маблағлари ҳисобидан жисмоний тарбия бўйича йўриқчи лавозимини киритиш.

11.10.Меҳнат жамоаларида ишлаб чиқариш гимнастикасини жорий этиш.

11.11.Корхона, ташкилот ва ўқув юртлари тасаруфидаги спорт иншоотларини зарур жиҳозлар ва анжомлар билан таъминлаш. Турар жой ва ётоқхоналар атрофида спорт майдончалари, кичик заллар қуриш ҳамда керакли спорт жиҳозлари билан таъминлаш.

11.12.Меҳнаткашлар фарзандларини болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига кенг жалб этиш, уларни ва ота-оналарини спорт-соғломлаштириш гуруҳларидан имтиёзли равишда фойдаланишлари учун маблағ ажратиш.

11.13.Меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида мунтазам равишда спорт турлари бўйича мусобақалар уюштириш, ғолибларни муносиб тақдирлаш, туман, шаҳар, вилоят, Республика ва халқаро мусобақаларда иштирок этишлари учун ҳар томонлама шароит яратиб бериш.

11.14.Болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш, уларни мавсумга ўз вақтида тайёрлаш.

11.15.Оромгоҳларни эстетик жиҳатдан жиҳозлаш, болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича барча чораларни белгилаш.

11.16.Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида

15

«Маънавият ва маърифат» хоналари ва бурчаклари, кутубхоналар ташкил этиш ва уларни керакли кўргазмалар ва Президент асарлари, янги бадиий асарлар билан таъминлаш.

11.17.Тасарруфдаги оромгоҳ ходимларини овқатлантиришни арзонлаштириш учун қўшимча маблағлар ажратиш.

## XII. МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ

12.1. Меҳнат низолари комиссиясини тузиш, унинг миқдорий таркиби ва ваколатлари муддати

## XIII. КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ ВА САЙЛАНИБ ҚЎЙИЛАДИГАН КАСАБА УЮШМА ФАОЛЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

13.1.Асосий ишидан озод қилинган касаба уюшма ходимларини меҳнат жамоаси аъзоси сифатидаги ҳуқуқлари, уларга корхонадаги барча имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш, уларнинг корхонада (тармоқда)ги узлуксиз иш стажи сақлаб қолиниши

13.2. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар ва меҳнат низолари комиссиялари аъзоларини Халқаро меҳнат ташкилотининг 135-Конвенцияси томонидан муҳофаза қилинадиган меҳнаткашлар вакиллари деб эътироф этиш.

13.3. Касаба уюшма қўмитасига сайланиб, асосий ишидан озод қилинмаган ходимларнинг касаба уюшмаси вазифаларини бажариш учун кетган вақтига ҳақ тўлаш

## Жамоа шартномасига иловаларнинг тавсиявий рўйхати

1.Меҳнат муҳофазаси бўйича келишув

2.Ходимларни жорий мукофотлаш тўғрисидаги низом

3.Ходимлар тоифалари учун меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги низом

4.Корхонада қабул қилинган тарификация

5.Кўп йиллик хизматлари учун устама тўлаш тўғрисидаги низом

6.Йил якунлари бўйича рағбатлантириш тўғрисидаги низом

16

7.Навбатдаги меҳнат таътилига кетишда моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги низом

8.Моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги низом

9.Ходимга тегишли мол-мулкдан фойдаланилганда харажатларни қоплаш тўғрисидаги низом

10.Пенсияга чиқишда бир марталик моддий ёрдам пулини тўлаш тўғрисидаги низом

11.Махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибдаги ҳимоя воситаларини бепул оладиган касб ва лавозимлар рўйхати

12.Ишлаган кунларида бепул совун оладиган касблар рўйхати

13.Ишдан ташқари вақтларда, тунги, кечки вақтларда, дам олиш ва байрам кунларидаги ишлар рўйхати ва бундай ишларга жалб қилиниши мумкин бўлган лавозимлар рўйхати

14. «Ишлаб чиқариш зарурати» деб эътироф этиладиган ҳолатлар мезонлари

15. Қўшимча таътил ва қисқартирилган иш куни ўрнатиладиган ноқулай меҳнат шароитларидаги касб ва лавозимлар рўйхати

16.Тўла моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома тузиш мумкин бўлган ходимлар рўйхати

17.Йиллик узайтирилган ёки қўшимча таътил ҳуқуқини берувчи лавозимлар рўйхати

18.Ишламаётган ходимлар ўрнига ишлаганда қўшимча тўловларни аниқлаш ва тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низом

19.Талаба ва ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш практикасига раҳбарлик қилган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низом

20.Корхонани капитал таъмирлаш ишлари режаси

21. Қишги-баҳорги ва кузги-қишги мавсумга тайёргарлик кўриш режалари

Юқорида баён қилинган тизимга мувофиқ тузилган жамоа шартномаси ўз кучини шартномада кўрсатилган муддатгача ёки томонлар янги шартнома тузгунларига қадар сақлаб қолади. Унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда жамоа шартномасини қабул қилишдаги тартиб қўлланилади. Жамоа шартномасининг мазмуни билан барча ходимлар таништирилиши шарт.

Корхона таркиби, структураси, номи ёки раҳбари ўзгариши жамоа шартномаси тақдирига таъсир қилмайди

Корхона мулк эгасини ўзгариши шартномани олти ой ичида қайта тузишни талаб этади. Агар томонларнинг биронтаси музокараларни бошлаш ташаббуси билан чиқмаса, жамоа шартномаси кўрсатилган муддатда ўз кучини йўқотади.

Жамоа шартномаси қандай бажарилганлиги тўғрисида унга имзо чеккан шахслар (корхона комиссияси томонидан тузилган далолатнома асосида) йилида камида бир марта (ёки жамоа шартномасида белгиланган муддатларда) меҳнат жамоаси умумий йиғлиши (конференцияси) олдида ҳисобот берадилар.

**Ўзбекистон КУФК меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими**

***Тараққиётимизнинг асосий мақсадларидан бири – шахс манфаати билан жамият манфаати ўртасидаги муштараклик эканлигини сира ҳам унутмаслик, айни пайтда ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини яратишдир. Бу борада Истиқлол йилларида жуда кўп ишлар қилинди.***

# УЗОҚ УМР ГАРОВИ

Инсон зоти борки, ҳамиша ҳаётдан эзгулик кутиб яшайди. Муҳаббатга, оқибатга, эътиборга эҳтиёжманд бўлади. Яқин ўтмишда биз бу тушунчаларни анча моддийлаштириб юборгандик. Лекин, аксинча, бу туйғулар ўзбек халқида асрлар давомида маънавий мазмун касб этиб келган. Меҳр нима? Муҳаббат-чи? Мурувват нимани англатади? Дунё яралгандан бошлаб пайдо бўлган бу сўзлар ҳамиша шахс камоли учун тириклик устуни бўлиб келган. Халқимиз мана шу саволларга жавоб излаб, миллий қадриятларимиз, умуминсоний омилларни яна қайтадан кашф этди. Бутун жамиятда меҳр-мурувват тамойиллари устувор бўлди.

Аслида мамлакатимиз шахс имкон қадар узоқроқ яшашни, кўпроқ умр кўришни истайди. Бироқ, қандай қилиб? Бунинг иложи борми? Нима қилса узоқ яшаш мумкин? Умуман, узоқ умрнинг сири нимада? Бу каби саволлар инсониятни азалдан қизиқтириб келади. Америкалик олимлар юз йил ва ундан ҳам кўпроқ яшаш имконини берувчи омилларни аниқлашга муваффақ бўлишди. Бу ҳақда биология фанлари доктори Клаудия Кавас шундай ёзади:

"Узоқ умр кўриш сирларини топиш осон иш эмас. Зеро, бу масала нафақат геронтологларни, шу билан бирга иқтисодчилар ва ҳуқуқшуносларни ҳам бирдай қизиқтириб келади. Чунки ҳозирданоқ ишлайдиган битта европалик иккита пенсионерни қандай таъминлаши муаммоси кўндаланг ту-

***Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг маълумотларига кўра, ўтган йил охирида мамлакатимизда 80 ёшга тўлганлар сони 9970 нафар бўлган, 90 ёшлилар – 3750, 100 ёшлилар – 565 киши бўлиб, 99 нафар юртдошимиз бир асрдан ортиқ умр кўрмоқда.***

мустақилликка эришгандан буён давлатимиз ички сиёсатининг бош йўналишларидан бири – фуқаролар саломатлигини сақлаш, истиқбол эгалари – ёш авлодни баркамол ва етук инсонлар этиб тарбиялаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилди. Жорий йилнинг Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилиниши эса бу йўналишда олиб борилаётган изчил ишлар, чора-тадбирларнинг мантиқий давомидир.

Шу ўринда халқаро тажрибаларга аҳамият берайлик. Соғлиқ масалалари бўйича халқаро эксперт Жон Сандерснинг илмий хулосасига кўра, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти соғлом турмуш тарзининг йўналишларини қуйидагича белгилаган: ўз вақтида овқатланиш, кашандаликка ружу қўймаслик, фаол турмуш тарзи, руҳий соғлом бўлиш, тоза сув истеъмол қилиш, атмосферанинг ифлосланишига қарши кураш, умумий санитария, шахсий санитария ва овқатни гигиена талаблари асосида тайёрлашга риоя қилиш тавсия этилади. Бу йўналишда кўп, жоиз бўлса, зарурий ишлар амалга оширияпти. Бироқ, ўйланган ва кутилган натижалар, оқибатлар етарли, деб бўлмайди?!

Соғлом турмуш тарзининг бош омили – ҳар бир рибди?!

Айни пайтда АҚШда 60 мингдан зиёд 100 ёшдан ошганлар яшайди. Бундай ҳолат Японияда икки баравар, яъни 120000 кишини ташкил этади."

"The independent" газетасининг ёзишича, швейцариялик олимлар бу тараққий давлатлар аҳолиси 60 йилдан сўнг ўртача бир асрдан ортиқ умр кўришади, деган фикрни билдиришмоқда. Аҳолиси атиги 7 млн. бўлган Швейцарияда 2000 йилда 100 ёшдан ошган 796 киши истиқомат қилган. Таҳлиллар натижаси эса, бу мамлакатда бир асрга тенг умр кўрганлар сони ҳар 10 йилда икки маротаба ошаётганини кўрсатмоқда. Узоқ умр кўриш бўйича етакчилик японларга тегишли эканлигини алоҳида таъкидлаган профессор Фред Леконинг фикрича, узоқ яшаш санитар ҳолатнинг яхшиланиши, овқатланиш ҳамда тиббий хизмат савиясининг ошганлиги билан боғлиқдир.

Овқатланиш таркибида тузнинг кўп-камлиги ҳам узоқ умр кўриш учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини

## Соғлом турмуш тарзи

Киото (Япония) университети профессори Юкио Ямори қуйидагича изоҳлайди: "Туз инсон умрининг кемирувчиси ҳисобланади". Ямори шу масалада сичқонлар устида тажриба ўтказди. Тузли озуқалар билан боқилган кемирувчилар тезда юрак-қон томир касаллигига йўлиқиб ҳалок бўлишди. Тузсиз емак билан озиқланган сичқонларда эса бу ҳол умуман кузатилмади.

Юкио Ямори мамлакат аҳолисининг овқатланиш рационини ўрганиб чиқди. Тадқиқотлардан маълум бўлдики, Окинава ороли ва Киото профектураси аҳолиси бошқа минтақа аҳолисига қараганда кўпроқ яшар экан. "Бунинг сабаби мазкур ороллар аҳолиси таркибида балиқ, денгиз ўтлари, ловия бор маҳсулотлар, сабзавотлардан кўп истемол қилишдир, - дейди профессор. – Энг асосийси бу оролларда туз жуда кам истеъмол қилинади".

Юкио Яморининг фикрича, маҳсулотларни қайнатмасдан истеъмол қилиш, озиқ-овқатларни тузланган ҳолда эмас, балки ачитиб ейиш фойдалироқдир. Рус физиологи И.П. Павловнинг таъкидлашича, ферментлар асосан ачиш жараёнида ҳосил бўлиб, организмда модда алмашинувини тартибга солади.

— Ёшликдан тўғри овқатланишга одатланиш,- деб таъкидлайди Ямори,- қариликдаги кўпгина касалликларнинг олдини олади. Ҳатто сизга юрак хасталиги ташхиси қўйилган бўлса ҳам тузни меъёрида истеъмол қилиш билан касаллик ривожланишини тўхтатиш мумкин. Тузни оз истеъмол қилиш - қарилик чоғи хотира пасайиши, мадорсизлик каби ҳолатларнинг олдини олиб, ақлни пешлайди.

Кунчиқар мамлакатда узоқ умр кўриш, соғлом турмуш тарзи омилларидан муҳимлари – кўнгил (руҳий) хотиржамлиги, мулойимлик, атрофдагилар билан хушмуомалада бўлиш, ўзини ҳурмат қила билиш кабилар эътиборга олинади.

Кексаларимиз дуо қилишаётиб, тинчлик сўзидан сўнг, хотиржамликни зикр этишлари бежиз эмас. Кўнгил хотиржам бўлса – ишлар юришади, нотинч бўлса – кишида ҳаловат бузилади, барака-унум бўлмайди, заволлар пайдо бўлиб, умр емирилади!?

Соғлом турмуш тарзи – узоқ умр гарови. Буни тажриба, амалиёт исботлаб турибди. Геронтологларнинг қуйидаги севимли иқтибосларини тез-тез эслаб турсак, зарар қилмайди: "Одатда, одамлар соғлом турмуш тўғрисида эмас, қандай қилиб узоқ яшаш ҳақида қайғурадилар. Ваҳоланки, соғлом турмуш кечириш ўз қўлимизда, узоқ умр кўриш эса, Яратганнинг измида".

Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда Сиҳат-саломатлик йилининг эзгу мақсади Президентимиз таъкидлаганларидек, "Давлат ва жамиятимиз, жамоат ва тижорат тузилмаларининг, шу муқаддас заминда яшаётган барча инсонларнинг имконият ва салоҳиятини эл-юрт саломатлиги йўлида бирлаштириш ва сафарбар этишдан иборат.

***Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳозирги пайтда дунё аҳлининг ўртача умри 48,5 ёшга тенг.***

Бизнинг мақсадимиз – фарзандларимизнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишига, табаррук қарияларимизнинг умрлари узоқ бўлиши, кўп йиллар давомида соғ-саломат ҳаёт кечиришларига эришиш, бутун Ўзбекистон аҳолисининг тўлақонли, соғлом турмуш тарзи асосида яшаши учун шарт-шароит яратиб беришдир".

Демак, инсоннинг сиҳат-саломатлиги кўп жиҳатдан, айнан, соғлом турмуш тарзини янада мустаҳкамлашга боғлиқдир.

Оллоҳ таоло берган соғлиғимизни асраш ўз қўлимизда. Бунинг учун соғлом ва ибратли турмуш тарзимизга амал қилиб яшайлик.

**Карим НОРМАТОВ,**
**Давир ТЎХЛИЕВ**



Н.БЎРИЕВ олган сурат

## БОЗОРНИ ИФОДАЛОВЧИ ТУШУНЧА

«Маркетинг» тушунчаси, бизнинг иқтисод ҳаётимизда нисбатан янги ҳисобланиб, бозорни ўрганиш, тадқиқ қилиш маъносини англатади.

Бу сўз илк бор 1970-йилларда иқтисодий мақола ва илмий изланишларда пайдо бўлган. Маркетинг мазмунан бозор муносабатларига хос механизм ҳисобланиб, у халқ хўжалигининг барча жабҳаларида товар-пул муносабатлари ва қиймат қонунига амал қилиб хўжалик юритишга асосланган. Шу маънода маркетинг ишлаб чиқариш ва уни ташкил қилиш бўйича барча омилларни ўрганиш, хусусан, товарлар ҳаракатини бошқариш, уларни сотиш ва рағбатлантириш, реклама уюштириш, товар билан боғлиқ сервисни йўлга қўйиш жараёнларини ўз ичига олади. Ҳозирги кунда маркетинг алоҳида фан сифатида ўқув юртларида, бизнес мактабларида ўрганилмоқда.



# ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

## Ҳикматлар сандиғидан

### САЛОМАТЛИК – ТУМАН БОЙЛИК

**Икки буюк неъмат мавжуд бўлиб, кўпчилик уларни қўлдан бой беради. Бу тан сиҳатлик бирлан бўш вақтдир.**

**ҲАДИСдан.**

**Соғлом одам табиатнинг энг бебаҳо асаридир.**

**Т.КАРЛЕЙЛ**

**Одам 100 ва ундан ортиқ ёшгача яшай олади. Биз эса ўзимизнинг қаноатсизлигимиз, ўзимизнинг тартибсизлигимиз, ўзимизнинг ўз организмимизга бўлган беўхшов муносабатларимиз билан бу вақтни янада кичикроқ сонга қисқартирамиз.**

**И.ПАВЛОВ**

**Тозалик бор жойда ҳамма нарса тоза.**

**В.ШЕКСПИР**

**Мен биладиган бирдан-бир гўзаллик тан сиҳатликдир.**

**Г.ГЕЙНЕ**

## Эл нетиб топғай мениким...

«Сабъаи сайёр» достонида Жомийнинг фақат шоирлик билан чекланиб, адабиёт илми билан кифояланиб қолмай, бошқа фанларни ҳам чуқур ўзлаштиргани, жумладан, фалсафа (ҳикмат) ва ҳисоб илми (риёзий)да қилни қирқ ёрадиган даражада моҳирлиги, араб тилини мукаммал билиши, илми тафсир ва илми ҳадисда том маҳорат касб этгани хусусида маълумот беради:

*Не камолот аро ниҳоят анга,*
*Не маротибда ҳадду ғоят анга.*
*То камол аҳлидин мақол ўлғай,*
*Одами зийнати камол ўлғай...*
*Баҳравар андин одам авлоди,*
*Олам аҳлиға зилли иршоди.*
*Майи хуш аҳли жонфизойи ҳам,*
*Жомидин баҳравар Навоий ҳам.*

# НАВОИЙ НАЗДИДА КОМИЛ ИНСОН

«Садди Искандарий» достонида бу кун ҳақиқий комил инсон Жомий эканлиги, ундан олдин бундай инсон ўтганми-йўқми номаълумлигини айтса, «Хамсат ул-мутаҳаййирин»да бу фикрини мукаммаллаштириб, бани одам яралгандан буён бу каби комил инсон ўтмаганлигини қатъий таъкидлайди:

*Ким гунбази гардандаи олий бунёд,*
*То даврида таъжилға бўлғай муътод,*
*Одамки, бўлуб халифа ёйди авлод,*
*Авлодида ер уйла халаф бермас ёд.*

«Туҳфат ул-афкор» қасидасида Жомий Муҳаммад алайҳиссалом шариатининг ҳомийси, қўлида кавсар шаробидан лиммо-лим шариат жомини тутган комил мўмин, беҳаду бепоён илми билан Пайғамбарга ворислик мақомидаги донишманд, Расулуллоҳ қавлига кўра бу борада ҳатто пайғамбарга баробар табаррук зот (Бу ерда Муҳаммад алайҳиссаломнинг: «Олимлар – пайғамбарларга ворис», - деган ҳадиси назарда тутилади), деб васф этилади. Жомий вафотига бағишлаб ёзган марсиясида Навоий уни, жумладан, «арбоби яқин», «орифи Жом», «ақли кулл», «халқ учун тўғри йўлни кўрсатувчи Хизр» каби кўпдан-кўп сўфиёна сифатлар билан таъриф-тавсиф этади. Шу ўринда, мазкур «Марсия»да шоир ўз устозининг мавжуд сифатларини бирма-бир санаб, бу улуғ зотга бўлган пок эътиқоди, жўшқин муҳаббати, барча фикр ва ўйларини акс эттиргани, у энг яқин кишисидан ажралган қалбнинг оташин ноласи эканлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Баҳоуддин Нақшбанднинг Алишер Навоий ҳаётида қанчалик катта ўрин тутганлигини унинг бу улуғ зот асос солган тариқатда эканлигининг ўзиёқ кўрсатиб турибди. Қолаверса, шоирнинг бутун ижоди нақшбандия ғоялари билан суғорилган. «Алишер Навоийнинг фикрича, сўнгги асрларда ўтган шайхлар орасида энг буюги ва энг муқаддаси – Баҳоуддин Нақшбанд; тариқат машойихидан ҳеч бири ўзининг Оллоҳга яқинлиги аломатлари жиҳатидан Нақшбандга тенг эмас эди».

«Насойим ул-муҳаббат»да Хожа Баҳоуддиннинг туғилиши, ҳаёти, фаолияти, кароматлари ва тариқати асослари бир мунча кенг ёритилган. У зотнинг исмлари «Муҳаммад ибни Муҳаммад Бухорийдур. Аларға қабул назари Хожа Муҳаммад Бобойи Самосийдиндур ва одоби тариқат таълими зоҳир юзидин Амир Сайид Кулолдиндур, андоққи, дер эрмишлар. Аммо ҳақиқат юзидин алар увайсийдурлар ва тарбият ҳазрати Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний руҳидин топибдурлар».

«Ҳайрат ул-аброр»да шоир Баҳоуддин Нақшбанд ва нақшбандия тариқатининг улуғ давомчиси Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валига алоҳида боб ажратади. «Нақш» сўзи воситасида лутф айлаб ва «нақш» сўзини рамз қилиб олиб, Оллоҳ таоло Баҳоуддиндек бошқа нақшни яратган эмас, бутун олам унинг қўлида узукнинг нақши каби эди, сингари образли иборалар орқали бу улуғ инсонни таърифлайди:

*Хожаки, нақоши сипеҳри баланд,*
*Бўлгали ҳар сафҳасиға нақшбанд,*
*Айлади авроқ мунаққаш басе.*
*Нақш рақам айлади дилкаш басе.*
*Лек анинг нақши киби дилнавоз,*
*Чекмади то хомасидур нақш соз.*
*Собит анинг кўнгли аро нақши жуд,*
*Маҳв ўлуб ул сафҳада нақши вужуд.*
*Нақшиға тенг тутмай ўзин нақши Чин,*
*Одам ўлуб илгида нақши нигин.*

«Навоий ҳазрати Баҳоуддиннинг улувий мартабаси, тариқатдаги хизматлари ҳақида ёзар экан, ундаги валийлик қобилияти, илоҳий истеъдод Тангри неъмати натижаси, унинг «нақшбанд»лиги илоҳий нақшбандликнинг инсон зотига зуҳур этишидир, - дейди. – Баҳоуддин кўнгилларга илоҳий ишқ нақшини солади. Бу зотнинг қалбида дунё – ғайр нақши йўқ, унда фақат Оллоҳ сурати намоён».

Фонийликнинг олий мақоми ўзни ҳамма нарса, ҳатто хору хасдан ҳам паст кўриш, тупроққа тенг тутишдан иборатки, бу ҳақда Аҳмад Яссавий: «Туфроқ бўлғил, олам сани босиб ўтсин», - дейди. «Лисон ут-тайр»да «Комил фаноға эришмоқ ҳақида Баҳоуддин Нақшбанд сўзлари» номли алоҳида боб бўлиб, унда Хожанинг айни мақомга етганлиги унинг вафо бобида бир қўтир итни ўзидан афзал кўрганлиги ҳақидаги ҳикоят воситасида тасвирланади. «Ҳақ аҳли ўз вужудини ана шу хил инкор қилади, борлиғини шу йўл билан йўққа чиқаради. Шу тарзда уларда ўзликдан асар қолмагач, фано жомини сипқорадилар», - дейди Навоий ўз фикрларини хулосалаб.

«Қаноат нақшининг ифшосию нақшбандия тариқининг адоси» сарлавҳали қитъасида Навоий мазкур тариқатнинг тўрт асосий қоидаси – хушдар дам, назар бар қадам, сафар дар ватан, хилват дар анжуманни шеърий шарҳлайди ва бу тўрт ишни адосига етказган киши нақшбанд бўлиб, улуғ руҳий-маънавий давлатни қўлга киритишини таъкидлайди:

*Бу тўрт иш била рубъи маскун аро*
*Чалинмоқ не тонг кўси давлат санга.*
*Бу оҳанг ила бўлғасен нақшбанд,*
*Навоий агар етса навбат санга.*

**Эргаш ОЧИЛОВ,**
**филология фанлари номзоди**

(Боши ўтган сонда)

(Давоми бор)

## Ним табассум

Мудир:

- Шуни пайқадимки, Болтаев, сиз ишга ҳаммадан кейин келиб, ҳаммадан аввал кетар экансиз.

Болтаев:

- Эрталаб ҳам, кечқурун ҳам кеч қолсам, инсофдан бўлмайди-да.

* * *

*Полиция бошқармаси қидирилаётган жиноятчининг олти хил тарзда олинган суратини ҳамма участкаларга тарқатди. Орадан кўп ўтмай, участкаларнинг биридан шундай ахборот келди: «Бештаси қамоққа олинди, олтинчисини кузатяпмиз».*

* * *

- Хотин масаласида сира омадим келмади-келмадида... Биринчи хотиним мени ҳайдаб юборганди, иккинчиси кетиб қолувди, учинчиси ҳали ҳам бирга турипти-я...

* * *

*Бир изқувар жиноятчининг изидан кузатиб юриб, йўқотиб қўйипти. Уни полиция бошлиғи чақирипти:*

*- Қандай қилиб жиноятчини йўқотиб қўйдингиз!*

*- У киноға кириб кетди, мен бу кинони кўрган эдим.*

* * *

Эрталаб ресторанга бир одам ҳовлиқиб кириб келипти.

- Кеча кечқурун мен шу ерда бўлганмидим?

- Ҳа, бўлган эдингиз.

- Ўтириб, икки минг сўмлик ичиб қўйдимми?

- Ҳа.

- Худога шукур-эй! Мен пулимни йўқотиб қўйдимми деб қўрқувдим.


А.ХАКИМОВ чизган расм

* * *

*Иккита эркак гаплашишяпти.*

*- Биласанми, мен қиморда муттасил ютиш йўлини топдим.*

*- Бу мумкин эмас. Қимор бўлгандан кейин бугун ютасан, эртага ютқизасан.*

*- Ҳа, баракалла. Мен ютқазадиган кунлари ўйнамайман.*

* * *

- Доктор, эрим ўзини от деб тасаввур қиляпти. Сули еяпти, оёғига тақа қоқиб олди, гапирсам - кишнайди. Уни даволай олмайсизми?

- Албатта, даволай оламан. Лекин бу жуда қимматга тушади.

- Пул масаласи бизга чўт эмас. Ўтган ҳафтанинг ўзида пойгада эрим икки марта биринчи бўлиб маррага келди.

* * *

*- Виждонли одамни сотиб олса бўладими?*

*- Уни сотиш мумкин, лекин сотиб олиб бўлмайди.*

* * *

Одамлар навбатда турушипти.

- Нима беряпти?

- Кремплен.

- Бу Дюманинг асарими?

- Билмадим, ҳали ичиб кўрганим йўқ.



## Янги фильм

# "ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛЛАРИ"

Йўлларни мамлакатнинг қонтомирларига қиёслаш мумкин. Йўллар сизу бизни олис манзилларга етаклайди, у қанчалик обод ва равон бўлса, манзилнинг олислиги ҳам сезилмайди. Муқаддас китобларда йўл қурганнинг савоби ҳақида кўп улуғ гаплар айтилиши ҳам шундандир; эҳтимол. "Ўзбектелефильм" студиясида суратга олинган "Ўзбекистон йўллари" ҳужжатли фильмини томоша қиларкансиз, бу хайрли ишни бажариш нечоғли машаққат, айни пайтда масъулият талаб қилишининг гувоҳи бўласиз. Ўзингизни йўлсоз-бунёдкорлар билан бир сафда ҳис қиласиз. Фильмни томоша қилиш давомида жаннатмонанд юртимизнинг гўзаллиги, такрорланмас табиати, осмонўпар тоғлари, боғу-роғлари билан рўбарў келасиз, мард ва танти, бунёдкор одамлари суҳбатдошингизга айланади...

Ғаффор Ҳотамов ва Абдурауф Қоржовов сценарийси асосида суратга олинган ушбу фильм мустақиллик йилларида қурилган йўллар, кўприклар, темир йўллар, умуман ушбу соҳадаги бунёдкорлик ишларидан ҳикоя қилади.

Буюк Ипак йўлининг замонга мос тикланиши деб талқин қилинаётган бу йўллар мамлакатимизни жаҳоннинг бир қатор давлатлари билан боғлайди. Чунончи, фильмда Мустақил Ўзбекистонни сув ва қуруқлик орқали жаҳоннинг ўнлаб мамлакатлари билан боғловчи "Тошкент-Ўш-Қашқар", "Термиз-Афғонистон-Ҳинд океани", "Туркманистон-Сарахс-Машҳад", "Навоий-Учқудуқ-Султонувайстоғ-Нукус", "Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон" сингари бир қатор автомагистрал, темир йўллар, кўприклар, уларни қурган бунёдкорлар ҳақида атрофича маълумот берилади, ҳикоя қилинади.

Хуллас, икки қисмдан иборат бўлган ушбу фильм ижодкорлари мустақиллик туфайли бунёд этилган йўлларнинг мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, иқтисодиётимизни барқарорлаштириш, маданий алоқаларимизни ривожлантиришга қўшажак ҳиссасини атрофлича очиб бера олган.

**М.ИЛҲОМОВ,**
**Ш.ЗОКИРОВ**

ТДИУ га тегишли бўлган 014141, 138557, 138561, 137999, 234754, 234753 сонли дипломлар бекор қилинсин.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 23.10

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 17262 Буюртма Г— 115 1 2 3 4 5 6